

“ЧИГАТОЙ ГУРУНГИ” ФАОЛИЯТИ ТҮҖРИСИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Тоғаев Тўлқин Маманазарович

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети доценти, филология фанлари номзоди
togay-tm@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Ушибу мақолада энг атоқли ўзбек маърифатпарвари, давлат ва жамоат арбоби Абдурауф Фитратнинг маърифатчилик фаолиятининг дастлабки чоғларида Тошкент шаҳрида асос солган «Чигатой гурунги» ташкилоти түҷриси баъзи қарашилар ўртага ташланади. Хусусан, ушибу жамиятнинг фаолият даври, аъзолари, тил-имло бўйича яратилган ўқув қўлланмаларига оид фикрлар баён қилинади. «Чигатой гурунги» ҳақида нашр этилган ишларда бу борадаги фикрларга муносабат билдирилади.

Калим сўзлар: “Чигатой гурунги”, маданият, маориф, она тили, ёзув, тил, имло, қурултой

SOME CONSIDERATIONS ABOUT THE ACTIVITY OF "CHIG'ATAV GURUNGI"

ABSTRACT

In this article, the most famous Uzbek enlightener, state and public figure, Abdurauf Fitrat, in the early days of his enlightenment activity, founded the organization "Chigatoy Gurungi" in Tashkent. In particular, the period of activity of this society, its members, and the educational manuals created on language and spelling are described. Opinions on this matter are expressed in the works published about "Chigatoy gurungi".

Keywords: "Chigatoy Gurungi", culture, education, mother tongue, writing, language, spelling, convention

КИРИШ

Маълумки, Фитрат раҳбарлигига юзага чиққан, даврининг истеъдодли ёш кучларини жамлаган «Чигатой гурунги» ташкилоти ўз фаолияти билан маданиятимиз тарихимизда сезиларли из қолдирди. Жамият Туркистон халқлари маданий меросини тўплаш ва ўрганиш, улардан халқни баҳраман этиш, янги миллий адабиёт ва тилни яратиш каби ғоят долзарб вазифаларни мақсад қилган ва бунга имкон бўлгунча бажара олган. Шўролар даврида

қораланган ва тақиққа учраган бу уюшма ҳақидаги ҳақиқат мустақиллик йилларида рўёбга чиқди.

АДАБИЁТ ВА МЕТОД

Шу чоққача «Чигатой гурунги» ҳақида бевосита ёки бирор мавзу доирасида ёзилган мақола ва маълумотларни бир жойга тўпласак, бу ташкилот тўғрисида бир қадар салмоқли ишлар қилинганинги қўрамиз. Хусусан, истиқлол йилларида бу мавзуда чоп этилган мақолалар шўролар замонида «Чигатой гурунги» ҳақида айтиб келинган асоссиз ва бухтон гапларга ва шундан туғилган ёлғон тасаввурларга чек қўйди. Бу мақолаларда «Чигатой гурунги», уқтириб келинганидек, «пантуркистик» ёки «буржуа-миллатчи» ташкилот эмас, аксинча, миллатнинг хайри учун курашган, маданий-маърифий йўналишда, илмий-адабий, тил ва бадиий ижод соҳасида улкан юмушларни бажариб кетган ислоҳотчи жамият бўлганлиги ҳақоний баҳосини олмоқда.

Шундай ишлар сирасига (табиийки, бизга маълум бўлганлари орасида) муҳтарам адабиётшунос олимларимиздан Озод Шарафиддиновнинг «Абдурауф Фитрат» («Ёшлик», 1990 йил, 5-сон.) ҳамда «Адабиёт яшаса - миллат яшар...» («Адабиёт надур», -Т.: «Чўлпон», 1994 й.), Бегали Қосимовнинг «Фитрат» («Маслакдошлар», -Т.: «Шарқ», 1994 й.), Наим Каримовнинг «Чигатой гурунги» («Ватан» газетаси, 1994 йил, 44-сон.) ва «Ўзбекистонда адабий ҳаракатлар» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1995 йил, 20 январь.), хорижлик фитратшунос олим, Токио университетининг профессори Хисао Кўматсунинг «Чигатой гурунги» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1995 йил, 20 сентябрь.), ниҳоят, атоқли тилшунос олим, раҳматли Олим Усмонов қаламига мансуб, гурунчиларнинг тил ва имло соҳасидаги ишларидан баҳс этувчи «Фитрат ва «Чигатой гурунги» («Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1995 йил, 4-сон.) қаби мақолаларни ва бу тўғридаги айрим ишларни киритиш лозим.

МУНОЗАРА

Биз ҳам «Чигатой гурунги» ҳақида қўлимизда тўпланган материалларга ва улар бўйича тадқиқотларимизга асосланиб, ушбу адабий-маърифий ташкилот ҳақида, хусусан, «Чигатой гурунги» ва унинг фаолияти тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларимизни билдиришни мақсад қилдик. Негаки, бу борада шу пайтгacha айтилган гаплар, мутахассисларнинг фикрлари турличадир.

Айрим муаллифлар уюшма 1918 йилдан иш бошлаган деб кўрсатишса, баъзилари буни 1919 йилдан деб ҳисоблайдилар. «Чигатой гурунги»

аъзоларининг бу ҳақда берган маълумотлари ҳам худди шундай ягона эмас. Ташкилотнинг фаол аъзоси бўлган Элбек (Машриқ Юнусов) бу санани goҳ 1918 йил, goҳ 1919 йил деб қайд этса [1], «Чигатой гурунги» муассисларидан яна бири Шокиржон Раҳимий «...1919 йилда «Чигатой гурунги» очилғон чоғдан...» дея маълумот беради [2].

«Иштирокион» газетасининг 1919 йил 4 февраль сонида босилган қўйидаги маълумот бу масалага ойдинлик киритиши билан бирга жамиятнинг нима мақсадда тузилганлигини ҳам бизга англатади:

«Тошкентда «Ёш Бухороликлар»нинг муфаъол (фаол) аъзоларидан - Фитрат афанди ила ўзбек (*таъкид бизики - Т.Т.*) ёшлари тарафиндан «Чигатой гурунги» ном янги бир жамият тузилган. Миллий ишлар комиссарияти тарафиндан тасдиқ этилиб, ишга киришган. Бу жамиятнинг мақсади: Туркистондаги эски ва янги туркий асарларни жамъ қилиб, туркий тилини ихё қилув (*жонлантирув - Т.Т.*) ҳақинда матерёл ҳозирламак, луқат ва адабиёт дунёсини бойитмоқдир. Бик вақтли ҳам ўринли таъсис этилган бу жамиятни самим қалдан табрик қиласиз...» [3].

Кўринадики, уюшма худди мана шу чоғларда Миллий ишлар комиссарлиги томонидан расман тасдиқ этилган. Агар Фитратнинг Тошкентда 1918 йилнинг 15-25 август кунлари бўлиб ўтган Мусулмон маориф қурултойида ташкилотчилардан бири сифатида иштирок қилганини, «1918 йилнинг ўрталарида саккиз ойлик курсларда Чигатой тили ва Чигатой адабиётини тарғиб этган»ини (Қаранг: Н.Каримов, «Чигатой гурунги», «Ватан», 1994 йил, 44-сон) назарда тутсак, «Чигатой гурунги» Фитрат ва унга маслакдош ёшлар ўртасида расман тасдиқ этилишидан аввалроқ ташкил топган, дейиш мумкин. Бинобарин, «Чигатой гурунги» 1918 йилнинг сўнгти чорагида юзага келган ва 1919 йилнинг бошидан расмий суратда ишга киришган. Жамият «Шу жойдаги Иштирокион фирмаси - ТКП мусулмон бюросининг Туркистон халқлари маданий меросини тўплаш ва ўрганиш ҳақидаги топширигини бажарган» [4].

1921 йилнинг январ ойида Тошкентда бўлиб ўтган Тил-имло қурултойида Чўлпон «Чигатой гурунги» ҳамда «ўзбек РусТА» вакили сифатида иштирок этади. Ушбу анжуман ўлқадаги имло жанжаллари боис Маориф комиссарлиги таклифи ва «Чигатой гурунги»нинг ташабbusи билан чақирилган эди. «Чигатой гурунги» айrim адабиётшунослар кўрсатиб келаётганлариdek, 1922 йилда эмас, балки мана шу қурултойдан сўнг тутатилган. Элбекнинг маълум қилишича, қурултой сўнгига Маориф комиссари Шоҳид Аҳмадиевнинг таклифи билан

Маориф комиссарлиги хузурида уч кишидан иборат (Чўлпон, Элбек, Вадуд Маҳмуд) Ўзбек билим ҳайъати тузилади. 1921 йил 10 январдан ишга киришган бу билим ҳайъати «ўзбекнинг бутун илмий ишларини қарагучи ва қурултой ишларини амалга оширгучи бўлиб қоладир» [1]. «Чигатой гурунги»нинг кўпгина юмушлари энди ўлка шўро ташкилотлари (Миллий ишлар ва Маориф комиссарликлари)нинг кўмагида иш кўра бошлаган Ўзбек билим ҳайъатига юклатилган эди [5]. Ҳар ҳолда, бундан кейин Тил ва имло масаласига бағишлиланган қурултой ёки анжуманларда (масалан, 1922 йилда Тошкентда ва 1923 йилда Бухорода), умуман, ҳеч бир жойда «Чигатой гурунги» номи ҳаракатдаги жамият сифатида зикр қилинмайди. Фитратнинг ўзи «Чигатой гурунги» 20-йилларгача давом қилди» деб маълумот беради [6].

Шу ўринда «Туркистон» газетасининг 1923 йил 3 апрель сонида босилган Аҳмаджон исмли кишининг «Куч-қувват бекорга сарф этилмасин» номли кичкина мақоласи диққатга сазовордир. «Чигатой гурунги»дан сўнг ўзбек маорифини кўтариш, илмий хизматни йўлга қўйиш талаби билан майдонга чиққан «Нашри маориф» жамиятининг ишларидан қониқмаган муаллиф 1923 йилда «Чигатой гурунги»ни яна тиклаш ва бутун илмий кучни шу уюшма атрофида тўплаш керак, деб ҳисоблади. Тўғрироғи, «ёшлар орасида фикр айирмалиги борлиги» сабабли, «буни йўқотиш ва самимият барпо қилиш учун «Нашри маориф» ва «Чигатой гурунги»ни қўшиш керак» деган таклифни ўртага ташлайди.

«Чигатой гурунги» расман тақиқланганига қарамай, жамиятнинг мақсад ва вазифалари кейинчалик ҳам унинг аъзолари фаолиятида давом этганига шубҳа йўқдир. Фитратнинг қайд этишича, кейинчалик “Чигатой гурунги” аъзоларидан ўзбек ёзувини лотин алифбосига кўчиришда фаол қатнашган “лотинчилар” этишиб чиқди. Чўлпон ўз вақтида жамиятининг фаол аъзолари сифатида Фитрат, Қаюм Рамазон, Шорасул Зуннун, Элбек, Шокиржон Раҳимий, Мирмулла Шермуҳаммедов, Ғози Юнусов, Чўлпон, Боту, Санжар Сиддиқов, Маннон Рамзий, Уйғур кабиларни кўрсатган эди. Ўзбек адабиёти, илм-фани, маърифат ва маданиятининг илғор вакиллари бўлган бу зиёлиларнинг аксарияти шўролар тузуми қатогонининг қурбони бўлишган.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Фитратга бағишлиланган кўпгина тадқиқот ишларида унинг ўзи бош бўлган “Чигатой гурунги” аъзолари Қаюм Рамазон ва Шокиржон Раҳимий билан бирга «Она тили» номли дарслик ёзгани тўғрисидаги фактга дуч келамиз. Бу хато фикр кўп йиллардан буён матбуот саҳифаларида тез-тез учрашидан ташқари илмий адабиётларда, олий ўкув

юртлари учун ўзбек адабиёти бўйича яратилган дарслик ва қўлланмаларда ҳам факт сифатида ўрин олиб келмоқда [7].

Дарслик китобининг яратилган даври 1918 йил санаси билан кўрсатилади. Аслида, бундай китоб умуман бўлмаган. “Она тили” дарслиги мавжудлиги тўғрисидаги ҳақиқатга зид гап шу пайтгача китобдан китобга, дарсликдан дарсликка кўчиб юрибди. Ҳатто, энг ишончли манба сифатида қабул қилинадиган Ўзбекистон миллий энциклопедиясида ҳам шу хато мавжуд. Ундаги Фитратга бағишлиланган мақолада ўқиймиз: “У 1918 йилда Қ. Рамазон ва Ш. Раҳимий билан ҳамкорликда «Она тили» дарслигини яратди” [8]. Бу анъана ҳануз давом этмоқда. Кейинги йилларда ҳам Фитратга бағишлиланган айrim илмий-оммавий асарларда, қайта нашр қилинган дарслик ва қўлланмаларда, кўпчилик учун ахборот манбаига айланган интернет материаларида мана шу нотўғри факт ҳамон ҳақиқат сифатида тақдим қилинмоқда. Хусусан, “Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 24 йиллиги муносабати билан” рукни остида берилган интернет материалида шундай жумлаларни ўқиймиз:

“1918 йили Туркистон Компартиясининг топшириғига кўра, Фитрат (Шокиржон Раҳимий ва Қаюм Рамазон билан ҳамкорликда) дастлабки она тили дарслигини яратади (бу ҳақда «Иштирокиён» рўзномасининг 1918 йил 1 май сонида «Биринчи она тили курси» деган мақола ҳам чиқсан). Кейинроқ олим бу соҳадаги ишларини мукаммаллаштириб «Ўзбек тилининг сарфи» (грамматикаси)ни эълон қиласди”[9].

Энди, ушбу хато фикр қандай пайдо бўлганига эътиборни қаратсак. Гап шундаки, адабиётшунос Шерали Турдиев ва Боис Қориевнинг «Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги библиографияси (1918-1941)» номли китобининг 1919 йил даврий матбуотига тегишли қисмида мана шундай маълумот берилган:

«Биринчи она тили курси. (Ш.Раҳимий, Қ.Рамазон ва Фитрат томонидан тузилган дарслик тўғрисида), «Иштирокиён», 11 май» [10].

Худди шу хато маълумот баъзи адабиётшуносаримизни чалғитганига шубҳа йўқ. Улар мана шу манбага ишонишганда, аслида йўқ она тили дарслигини Фитрат ва унинг издошларига нисбат бериб келмоқдалар. «Иштирокиён» газетасининг 1919 йил 11 май сонини топиб текширганимизда, бу ерда гап дарслик китоби ҳақида эмас, балки **ўзбек тили ва адабиёти бўйича ўқитувчилар тайёрлаши икки ойлик курси** тўғрисидаги эканлиги маълум

бўлди. “Чигатой гурунг”нинг фаол аъзоларидан яна бири Элбек томонидан газетага берилган ушбу эълон қўйидаги сатрлардан иборат:

«Она тили курси

Ўқитувчиларимизга она тилининг ўргату билан она тили қоидалари ва адабий руҳдан тубли маълумот бергали «Чигатой гурунги» томонидан Хадрадаги «Намуна» мактаби биносида икки ойлиқ курс очилур. Сабоқлар текин берилур. Очилиш куни 16 май, шанба кунидир. Сабоқ чоғи соат учдан бешгача бўлур. Ўқитувчилари: Шокиржон Раҳими, Абдулқаюм Рамазоний, Абдурауф Фитрат афандилар эрурлар. Бу курсга кирмакчи бўлғонларнинг ўқитувчи бўлишилари ё ўқитувчилик қилмоқчи бўлишилари керакдир.

Гурунг ёзгучиси: Машириқ Юнус (Элбек)».

Кўринадики, Фитрат, Қаюм Рамазон ва Шокиржон Раҳимийларнинг «Она тили» дарслиги яратганларни ҳақидаги фикр ҳақиқатга тўғри келмайди. Бу бир янглиш маълумотнинг оқибати, холос. Биз ушбу давр тилшунослиги тадқиқотчиси сифатида бундай китоб борлигини кўрмадик. Фитрат илмий мероси бўйича диссертация ёқлаган тилшунос олимларнинг ҳеч бири бундай дарслик ҳақида маълумот бермайди. Ўша давр муаллиф ёки тил мутахассисларидан ҳеч ким бу ҳақда ҳеч қаерда қайд этган эмас. 1919 йилда «Чигатой гурунги»нинг Имло тўдаси томонидан, хусусан, Фитрат, Қ.Рамазон ва Ш.Раҳимийлар иштирокида «Битим йўллари» номли ўқитувчиларга мўлжалланган янги алифбо ва имло битикчаси ўша пайтдаги Маориф нозирлиги рухсати билан нашр қилинган, холос [11]. 1920 йилда эса Элбекнинг “Ёзув йўллари” номли “бошланғич мактабларнинг 2,3,4-бўлим ўқуғучилари учун собоқлик” китобчаси чоп этилган [12]. Фитратнинг ўзбек тилшунослиги тарихида улкан хизматларидан бири, шубҳасиз, ўзбек тилининг грамматикасини яратишга биринчи бўлиб қўл урганлиги бўлди. «Ўзбекистон жумҳуриятининг Маориф комиссарлиги ҳузуридаги Билим ўзаги томонидан мактабларда ўқумоқ учун мувофиқ кўрилган» «Сарф» (морфология) дарслиги илк марта 1925 йилда босиб чиқарилган. Фитратнинг ўзи бу китобини камтарлик билан «Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба» деб номлади [13].

Аниқ айта оламизки, Фитратнинг “Сарф” китобигача унинг она тилига бағишлиланган бирон-бир дарслиги ёки баъзи мақолаларда учраётганидек, имлога оид “Чўзғилар” номли асари бўлмаган ва чоп этилган эмас.

ХУЛОСА

Юқорида баён этилган фикрларга асосланиб шундай хulosага келиш мумкин:

Ислоҳотчилик йўлини тутган «Чигатой гурунги» жамияти 1918 йилнинг охирларида Фитрат ташаббуси билан юзага чиққан ва унинг раҳбарлигидаги иш олиб борган. Бу маданий-маърифий, адабий-бадиий, илмий ташкилот 1919 йилнинг бошида Миллий ишлар комиссарлиги томонидан расман тасдиқ қилинган. «Чигатой гурунги» маданий меросимизни тўплаш, ўрганиш ва улардан халқни барҳаманд этиш, ўзбек адабий тили, миллий ёзув ва адабиётимизни яратиш ва юксалтириш масалалари билан шуғулланган. 1921 йилнинг бошида шўро хукумати томонидан тақиқланган. Жамиятнинг мақсад ва вазифалари кейинчалик ҳам унинг аъзолари фаолиятида давом этган.

“Чигатой гурунги” аъзолари Фитрат, Қаюм Рамазон ва Шокиржон Раҳимий бирга «Она тили» номли дарслик ёзгани тўғрисидаги фикрлар хақиқатга зид.

REFERENCES

1. Элбек. Ўзбек билим ҳайъатининг тузилиши ва ишлаган ишлари. «Инқилоб» журнали, 1922, 10-сон; Шу муаллиф. Яқинлашмоқдалар. «Туркистон» газетаси, 1923 йил 22 сентябрь.
2. Раҳимий Ш. Тилимизни бир қоида остиға олайлик. «Туркистон» газетаси, 1923 йил, 7 январь.
3. «Иштирокион» газетаси. 1919 йил 4 февраль.
4. Б.Қосимов. Маслакдошлар. -Т.: Шарқ, 1994, -Б. 96.
5. Қосимов С. Ўзбекистондаги маданий инқилоб тонгига. «Ўзбек тили ва адабиёти журнали, 1972 йил, 6-сон.
6. Фитрат. Ёпишмаган гажаклар. «Ёшлиқ», 1990 йил, 5-сон, 69-бет.
7. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. -Т.: Ўқитувчи, 1999. -Б.120.
8. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашрияти. -Б.169.
9. <http://www.tashabbus.uz/tilimiz/>; http://old.ziyonet.uz/uzc/people/abdurauf-fitrat_uzc/;
http://www.fikr.uz/posts/Sharq_mumtoz_poetikasi_Birinchi_kitob/15190.html
10. Турдиев Ш., Қориев Б. Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги библиографияси (1918-1941). –Т.: Фан, 1967.

-
11. Чифатой гурунги. Битим йўллари. Маориф комиссарлиги рухсати билан босилғон. 1919.
 12. Элбек. Ёзув йўллари. –Т.: Туркистон жумҳуриятининг давлат нашриёти. 1920, -30 б.
 13. Фитрат. Сарф (биринчи китоб, 5 инчи босма). –Тош.–Сам.: Ўзбекистон давлат нашриёти, 1927. -62 б.